



ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА МИСР ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Д.Т. Қудратов

Тарих фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

Гулистон давлат университети

Аннотация:

Мазкур мақолада Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги маданий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши кўриб чиқилади. Хусусан, икки мамлакат ўртасидаги таълим, илм-фан, туризм, театр, муסיқа ва маданий мерос соҳаларидаги ҳамкорлик йўналишлари таҳлил этилади. Шунингдек, икки мамлакат олий таълим муассасалари, диний марказлар ва ижодий жамоалар ўртасида амалга оширилган алмашинув ва илмий тадбирлар асосида Ўзбекистон-Миср маданий муносабатларининг барқарор институционал асосга эга эканлиги қайд этилади. Мақолада маданий дипломатия воситасида икки мамлакат ўртасидаги тарихий ва цивилизацион яқинликни мустаҳкамлаш жараёни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:

Ўзбекистон, Миср, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти, маданий ҳамкорлик, таълим, Ал-Азҳар, Шарқ тароналари, халқ дипломатияси, қўлёзмалар, туризм, исломшунослик.

Annotation:

This article explores the formation and development of cultural relations between Uzbekistan and Egypt within the framework of the Organization of Islamic Cooperation. In particular, it analyzes cooperation in the fields of education, science, tourism, theater, music, and cultural heritage. It highlights the stable institutional basis of Uzbekistan-Egypt cultural relations through academic



exchange, joint events, and partnerships between higher education institutions, religious centers, and creative communities of both countries. The article also examines the process of strengthening historical and civilizational ties between the two nations through cultural diplomacy.

Keywords:

Uzbekistan, Egypt, Organization of Islamic Cooperation, cultural cooperation, education, Al-Azhar, Sharq Taronalari, public diplomacy, manuscripts, tourism, Islamic studies.

Кириш: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири араб давлатлари, жумладан Миср Араб Республикаси билан маданий, таълимий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир. 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг, ҳар икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар изчил ва тизимли ривож топа бошлади. Хусусан, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик нафақат диний-маърифий, балки таълим, санъат, адабиёт ва маданий мерос соҳаларида ҳам самарали натижаларга эришиш имконини яратди. Мақолада икки мамлакат ўртасидаги маданий алмашинув, илмий ҳамкорлик ва халқлар ўртасидаги ўзаро англашув жараёнлари мисоллар асосида таҳлил қилинади.

Асосий қисм. Ўзаро маданий алмашинув ва дўстона муносабатларнинг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган **Ўзбекистон-Араб мамлакатлари дўстлик уюшмаси** фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистон ва араб мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим платформа бўлиб хизмат қилаётган Ўзбекистон-Араб мамлакатлари дўстлик уюшмаси 1992 йил феврал ойида Ўзбекистонда



ташқил этилган¹. У мамлакатимиз ва араб дунёси ўртасида маданий, маърифий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи халқ дипломатиясининг муҳим воситаси ҳисобланади. Уюшма 1992 йилда Марокаш, Тунис, Алжир, Миср, Сурия ва Ливия делегацияларини қабул қилди². Шу йили уюшмада Миср инқилоби (1952) ва Алжир халқ демократик республикасининг халқ инқилоби кунлари кенг нишонланди. Шу билан бир каторда, уюшма томонидан давлатимиз биринчи президенти И.А.Каримовнинг Саудия Арабистонига расмий ташрифлари юзасидан инфрмацион материаллар тайёрлаб берилди.

1993 йил 22 сентябрда Ўзбекистон-Араб мамлакатлари дўстлик уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси(ХАМА)да йиғилиш ташқил этилиб, Миср элчиси Муҳаммад Абдулғани ва шу йилнинг 14 декабрида Тунис элчиси Реда Тнанилар билан барчага таништирдилар³.

1994 йил уюшма ўз фаолиятининг асосий эътиборини араб мамлакатлари жамоатчилиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳақида ҳаётда ҳаққоний тасаввур пайдо қилиш, араб мамлакатларида уюшма учун шерик ташкилотлар топишга қаратилган эди⁴.

Уюшма томонидан 1994 йил 23 июль - **Миср** араб республикаси инқилоб ғалабаси куни тадбири режалаштирилди, аммо уюшмага номаълум сабаларга кўра тадбир белгиланган кунда ўтказилмади. Бироқ, кейинги йил 31 июльда Миср араб республикаси инқилоб ғалабаси куни тадбири юқори савияда ташқил этилди⁵. 1994 йил 1 ноябрда – Жазоир халқ демократик жумҳуриятининг Миллий озодлик ҳаракатлари бошланганлигининг 40 йиллигига бағишлаб ҳам тадбирлар ташқил этилди⁶.

¹ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, varaқ – 3.

² Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, varaқ – 4-5.

³ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, varaқ – 6.

⁴ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, varaқ – 9.

⁵ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, varaқ – 18.

⁶ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, varaқ – 9.



Уюшма алоҳида эътиборини ўзбекистонлик талабаларнинг араб давлатларида, хусусан Қоҳирадаги **Ал-Азҳар** университети каби нуфузли олийгоҳларда таҳсил олишига қаратган. Бу таълимий ҳамкорлик икки халқ ўртасидаги ўзаро англашув ва ишончни мустаҳкамлади. Мисол учун, 1991 йилнинг декабр ойидаёқ Ўзбекистон биринчи президенти И.А.Каримов Мисрга расмий ташриф билан бориб, ҳар томонлама битим имзолаш билан бирга Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетида ўзбекистонлик талабаларни таҳсил олишига келишиб олдилар⁷.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги дўстлик алоқаларига алоҳида тўхталиш лозим. 1992 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди⁸. Шу йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг Мисрга қилган ташрифи икки мамлакат ўртасида илм-фан, туризм, спорт ва маданий тармоқлар ривожига асос бўлди⁹. 1993 йил Миср Ўзбекистонда ўз элчихонасини очди. Абдулғани Муғаммад элчи этиб сайланди, 1994 йилда эса Мисрда Ўзбекистон элчихонаси очилиб, Шамсиддин Бобохоновга элчи мақоми берилди¹⁰.

1992 йил май ойида бошлаб Миср олий таълим вазири, Хусайин Камол Баҳовуддин бошчилигидаги мамлакат дорулфунун ректорларидан таркиб топган расмий делегация Ўзбекистонга ташриф буюриб, Миср билан илм-фан, маданият ва таълим соҳасидаги масалаларда фикр алмашдилар, битимлар имзоланди¹¹. Шарқшунослик институти, Искандария университети ҳамда “Айн Шамс” университетлари билан кўп йиллик алоқалар ўрнатилди. Бунинг натижасида 1996 йил ҳолатига кўра, Тошкент олий юртларида таҳсил

⁷ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, варақ – 24.

⁸ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, варақ – 25.

⁹ Қўчқоров А. Афсонавий диёр // *Hidoyat*, № 1. 2000. - Б. 24.

¹⁰ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, варақ – 25.

¹¹ Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, варақ – 26.



олган 110дан ортиқ мисрлик талабаларнинг 70 нафардан ортиғи фан номзоди илмий даражасини эришдилар¹².

1992 йилдан то 1999 йилга қадар Миср Араб Республикаси билан 13 та келишув имзоланди¹³.

1997 йил 16 июлда Эрон ва Ўзбекистон ўртасида геология соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида “Ўзаро ёрдам ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича” меморандум имзоланган. Мазкур ҳужжат икки мамлакат ўртасида табиий ресурслар, хусусан геологик қазилмаларни ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий ва технологик алмашинувни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асос яратган. Бу ҳамкорлик икки мамлакат иқтисодий манфаатларини қондириш билан бирга, минтақа геосиёсий барқарорлиги ва ресурслардан барқарор фойдаланиш стратегияларига ҳам хизмат қилган.

Шунингдек, “Ўзбектуризм” миллий компанияси ходимларининг ҳар йили ташкил қилинаётган “Халқаро туризм” ўқув семинарларида қатнашиши, ва бу жараённинг МДХ давлатлари техник ҳамкорлик Миср фонди томонидан молиялаштирилиши, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида халқаро билим ва тажриба алмашинувига интилишини кўрсатади. Бу амалиёт нафақат мутахассислар малакасини ошириш, балки туризм инфратузилмасини глобал стандартларга яқинлаштиришда ҳам муҳим қадам ҳисобланади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 1990-йилларнинг охирида Ўзбекистон ташқи ҳамкорлик стратегияси нафақат сиёсий ёки дипломатик соҳаларда, балки иқтисодий, илмий-техник ва туризм сингари соҳаларда ҳам кўп қиррали интеграцияга асосланган¹⁴. Имзоланган битимлар

¹² Ўз МА, фонд – М-2, рўйхат – 1, иш – 72, varaқ – 26.

¹³ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 139.

¹⁴ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 19.



ва амалий тадбирлар бу мақсадни қўллаб-қувватлаган институционал воситалар сифатида фаол ишлаган.

1997 йил 15–30 август кунлари Миср Араб Республикасининг Исмоилия шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро фольклор фестивалида Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти, Кува туманида фаолият юритувчи “Анор” ашула ва рақс дастаси фаол иштирок этди¹⁵. Мазкур фестивалда “Анор” ансамблининг иштирок этиши Ўзбекистоннинг халқ амалий санъати ва анъанавий маданиятини халқаро майдонда намоён этишга қаратилган маданий дипломатиянинг самарали кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин. Бу каби халқаро тадбирларда ҳудудий жамоалар (Кува тумани сингари) иштирок этаётгани эса мамлакатнинг марказлашмаган, кенг қамровли маданий сиёсат юритаётганини кўрсатади.

1997–2002 йиллар давомида Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги маданий алоқалар фаол ва изчил ривожланди¹⁶. Жумладан:

- **1997 йил 25–31 август** кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” Халқаро мусикий фестивалида Миср санъаткорлари иштирок этдилар.
- **1997 йил 1–11 сентябр** кунлари Қоҳира шаҳрида ташкил этилган Халқаро экспериментал театрлар фестивалида Ўзбекистон Хамза номидаги Давлат драма театри жамоаси 18 нафар артист билан “Чимилдиқ” спектаклини намоён этди.
- **1999 йил 25–31 август** кунлари Самарқанддаги навбатдаги “Шарқ тароналари” фестивалида ҳам Мисрлик санъаткорлар қатнашиб, маданий алмашинув изчил давом эттирилди.

¹⁵ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варақ – 5.

¹⁶ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варақ – 5.



- **1999 йил 1–11 сентябр** кунлари Қоҳирада ўтказилган театр фестивалида Қарши шаҳридаги “Эски мачит” театр студияси “Найман она нидоси” спектакли билан иштирок этди.
- **2001 йил 25–31 август** кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” фестивалида Мисрнинг “Анган ал-Шабаб” гуруҳи фаол катнашиб, фестивал ташкилий қўмитасининг махсус мукофотиغا сазовор бўлди.

2001 йил 18-20 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 июндаги 17/31-176 сонли кўрсатмасига биноан Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси томони билан биргаликда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Ўзбекистон-Миср қўшма комиссиясининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди¹⁷. Йиғилишда асосий эътибор, Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаларининг ахборот ва ОАВ соҳасидаги¹⁸, тиббиёт, фармацевтика ва тиббиёт фанлари соҳасидаги¹⁹, савдо-иқтисодий соҳасидаги²⁰ ҳамкорликларига қаратилди. Шу муносабат билан, 2001 йилнинг 16-21 июнь кунлари Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик бўйича вазири жаноб Аҳмад Ад Дори бошчилигидаги делегация²¹ ташрифи чоғида банк, инвестиция, ярмарка ва кўргазмалар ташкил этиш, транспорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш²² каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. 1995 йилнинг 19 октябрида имзоланган туризм соҳасидаги ҳамкорлик битимини фаоллаштиришга келишиб олдилар.

1997–2002 йиллар оралиғидаги мазкур маданий тадбирлар Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги гуманитар ҳамкорликнинг барқарор ва институционал ривожланганини яққол намоён этади. Бундай юқори

¹⁷ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 98.

¹⁸ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 103.

¹⁹ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 70.

²⁰ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 82-85.

²¹ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 93.

²² Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 26-28.



даражадаги маданият алмашинув, икки мамлакатнинг нафақат сиёсий ёки иқтисодий, балки маданият-цивилизация яқинлигини ҳам чуқурлаштираётганини кўрсатади.

Самарқандда ўтказилаётган “Шарқ тароналари” фестивали Миср санъаткорлари учун ислом маданияти ва шарқ анъаналари билан боғлиқ интермадиа муҳитда иштирок этиш имкониятини яратган бўлса, Қоҳирадаги театр фестивалларида ўзбек ижодкорларининг иштирок этиши — Ўзбекистоннинг бадиий салоҳияти ва ижодий экспорт қобилиятини халқаро майдонда намоён этишга хизмат қилган.

Ўзбекистон ва Мисрнинг исломшунослик ва араб тили соҳасидаги ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида олий таълим соҳасида²³, хусусан, араб тили ва араб адабиёти, исломшунослик, манбашунослик, Араб Шарқи мамлакатлари иқтисодиёти, фармакология, қишлоқ хўжалиги, ветеринария ва бошқалар йўналишларда мустақкам алоқалар мавжуд. Шу билан бирга, юртимизнинг қатор олий таълим муассасаларида араб тили бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тили институтида, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида талабалар араб тилини алоҳида таълим йўналиши сифатида ўрганишмоқда²⁴.

Мисрнинг нуфузли таълим муассасалари, хусусан, Қоҳира университети ва ал-Азҳар университети, нефть институти, космик тадқиқотлар бўйича миллий бошқармаси, офтальмология тадқиқот институтлари билан ўзаро

²³ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, варақ – 28.

²⁴ Хамидов О. Ўзбекистон-Миср: илм фан масофа танламас / Электрон ресурс: <https://buxdu.uz/> Мурожаат санаси: 31.05.2025.



ҳамкорлик йўлга қўйилди²⁵. Хусусан, 2001 йил ал-Азҳар университетида хушхабар тарқалди. У ўз кутубхонасидаги қирқмингдан зиёд қўлёзма ларнинг ҳаммасини интернетда нашр қиладиган бўлди. Демак энди исталган пайтда дунё олимлари бу бой илм хазинасидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Ҳозиргача ушбу кутубхонадан фойдаланиш учун албатта визалар, рухсатномалар ва бошқа ҳужжатлар тайёрлаб, Қоҳирага шахсан бориш керак эди. Энди эса, йигирма биринчи асрнинг энг ривожланган замонавий усули орқали ҳамма мусулмонларнинг мероси бўлган бу қўлёзмаларни бемалол ўқиш имконияти юзага келди. Мазкур қўлёзмаларнинг кўпи араб тилида битилгандир. Шунингдек, у ерда форс, турк ва урду тилларида ёзилган асарлар ҳам бор. Кутубхонада диний китоблардан ташқари адабиёт, тиббиёт, тилшунослик каби илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарлар ҳам сақланган. Бу жамғармадаги энг эски қўлёзмалар мил. авв. 969 йилда битилган экан. Мазкур хайрли ташаббуснинг рўёби учун Дубай валиаҳди Муҳаммад ибн Рошид ал-Мактум беш миллион доллар эҳсон қилди. Машҳур IBM компьютер фирмаси техникавий ёрдам берди. Дастлабки қўлёзмалар 2002 йил охирларида интернет саҳифасига чиқди. Ундан кейин ҳамма қўлёзмаларни нашр қилиб бориш мўлжалланган. Айрим қўлёзмаларни бепул ўқиш мумкин. Қоҳирага боришга қурби етмайдиган кўп олимлар интернет қулайликлари туфайли асл нусхаларидан фойдалана оладилар. Хусусан, ўзбек олимлари учун катта имконият туғилди. Имом Мотуридий, Имом Марғиноний ва бошқа йирик ҳанафий олимларнинг асарларини ўзбек тилига ўгириб нашр қилишда ишончли нусхалар билан солиштириш имконияти туғилди. Ал-Азҳарнинг қарори барча илм аҳлига, ҳар бир мусулмон китобхонга катта хушхабари бўлди²⁶.

²⁵ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 6450, varaқ – 30.

²⁶ Илм дунёсига хушхабар // Hidoyat, № 4. 2001. - Б. 22.



2002 йилда, Миср опера театрида Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқованинг концерти бўлиб ўтди²⁷. Муяссар Раззоқованинг Миср опера уйидаги концерти маданий ҳамкорликнинг индивид асосида намоён бўлиши билан фарқланади. Бу ҳолат икки мамлакатнинг маданият орқали дўстона муносабатларини кенгайтириш стратегиясининг амалий натижасидир.

2004 йил 28 апрель — 1 май кунлари Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида “Ислом маданиятида кечиримлилик ва бағрикенглик” мавзусига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди²⁸. Унда ўнлаб мамлакатлардан келган вакиллар қатори Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов ҳам иштирок этиб, нутқ сўзладилар. Ислом маданиятидаги кечиримлилик ва бағрикенглик тушунчаларини кенг оммага етказиш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш ва турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва тинчлик муҳитини яратишни мақсад қилиб олган мазкур анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромовнинг иштирок этиши ва нутқ сўзлаши мамлакатимиз диний вакилларининг халқаро майдондаги нуфузини янада оширди.

2006 йили Қоҳирадаги Искандария кутубхонаси бўлим мудири доктор Юсуф Зайдоннинг “Минг йиллик қўлёзмалар – яширин хазинадир” номли китоби чоп этилган бўлиб, унда муаллиф минг йиллик қўлёзмалар сақланаётган мамлакатлар сирасига Ўзбекистонни ҳам киритган²⁹. Китобда, шунингдек, Ўзбекистондаги қўлёзмаларнинг аҳамияти, уларнинг сақланиши ва тадқиқотига оид маълумотлар келтирилган. Ўзбекистондаги қўлёзмаларнинг сақланиши ва тадқиқотига катта эътибор берилгани, шунингдек, уларнинг халқаро аҳамияти таъкидланган.

²⁷ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, 1-вак – 5.

²⁸ Динимиз яхшиликка буюради // *Hidoyat*, № 5. 2004. - Б. 1.

²⁹ Махаммадиев Ф. Мингйиллик қўлёзмалар // *Hidoyat*, № 10. 2009. - Б. 31.



2010 йил Араб-Ислом маданияти йиллиги деб эълон қилинди. БМТ нинг Юнеско ташкилоти томонидан Араб-Ислом маданияти йиллигини нишонлаш туғрисидаги қарор қабул қилинди. Унга кўра, дунёнинг турли мамлакатларида 80дан ошiq халқаро маданий тадбирлар ташкил қилинди. “Маданиятлар мулоқоти” шиори остида ўтказилган ушбу тадбирларнинг биринчиси Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган. Анжуман доирасида “Фаробий ва Оврупа уйғониш даври” мавзусида симпозиумлар ташкил қилинган³⁰. Анънага кўра, шу каби тадбирлар Миср, Ўзбекистонда ҳам бўлиб ўтди, албатта.

Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Халил ас-Сисининг 2018 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига кўра амалга оширган расмий давлат ташрифи натижасида, Ўзбекистон ва Миср ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, туризм, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган ҳукуматлараро ва идоралараро салмоқли ҳужжатлар имзоланди³¹. Миср – Ўзбекистон ҳамкорлиги, айниқса таълим борасида эришилган келишувлар ҳар икки мамлакатнинг узоқ муддатли манфаатларига ва мамлакатларимизнинг ривожланиш жараёнига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

2018 йил Миср Бош имоми – Шайх Аҳмад Муҳаммад Тоййиб бошчилигидаги ал-Азҳар мажмуаси вакилларида иборат нуфузли делегациянинг Ўзбекистон Президенти қабулида бўлиши, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриши икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

2019 йил 11 январ куни Миср томонининг таклифига кўра, Ўзбекистон ва Мисрдаги диний соҳага оид марказлар ўртасида 2019-2023 йилларга

³⁰ Араб-Ислом маданияти йиллиги // // Hidoyat, № 12. 2010. - Б. 21.

³¹ Мухтаров А. Миср – Ўзбекистон: Таълим борасидаги ҳамкорлик замон талаби / Электрон ресурс: <https://oliymahad.uz/> Мурожаат санаси: 31.05.2025.



мўлжалланган “Йўл харитаси”да кўзда тутилган келишувларни муҳокама қилиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириб олиш мақсадида Ўзбекистон делегацияси ишчи ташриф билан Қоҳира шаҳрида бордилар³².

Бу ҳамкорлик доирасида араб тили ва исломшунослик йўналишларида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва талабалар учун алмашинув дастурлари ташкил этилди.

2018 йил 4-5-сентябр кунлари Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларимизни ривожлантириш йўлида тарихий кадам бўлди³³. Айнан шу йили, Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчиси Ойбек Усманов Мисрнинг туризм ва ёдгорликлар вазири доктор Холид ал-Анани билан учрашуви чоғида Миср Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази билан амалий лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди³⁴. Мисрдаги идоралар – туризм ва ёдгорликлар вазирлиги, Искандария миллий кутубхонаси, шунингдек, китоблар ва миллий архивлар уйи ўзбек муассасалари билан илмий-техник ва гуманитар ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга тайёр эканига янада ишонч билдирди. Суҳбатда таъкидлаганидек, мазкур ҳамкорлик соҳаси бирламчи манбаларни ўрганиш, тарихий қўлёзмаларни тиклаш, шунингдек, бой умумий мерос ва маданий меросни тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга.

2020 йил 4 март куни Самарқанд шаҳрида “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли тадбирда иштирок этган Қоҳира шаҳридаги “Ал-Азҳар” мажмуасининг раҳбари, Шайх Аҳмад

³² Абдуҳалимов Б. Ўзбекистон — Миср: ўзаро манфаатли илмий алоқалар // Электрон ресурс: <https://yuz.uz/news/ozbekiston--misr-ozaro-manfaatli-ilmiy-alogalar> . Мурожаат санаси: 31.05.2025.

³³ Абдуҳалимов Б. Ўзбекистон — Миср: ўзаро манфаатли илмий алоқалар // Электрон ресурс: <https://yuz.uz/news/ozbekiston--misr-ozaro-manfaatli-ilmiy-alogalar> . Мурожаат санаси: 31.05.2025.

³⁴ Миср Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази билан амалий лойиҳаларни амалга оширишга тайёр // Электрон ресурс: <https://yuz.uz/news/ozbekiston--misr-ozaro-manfaatli-ilmiy-alogalar> . Мурожаат санаси: 31.05.2025.



Таййибга Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвони берилди³⁵. Тадбир доирасида Шайх Аҳмад Таййибга Президент Шавкат Мирзиёевнинг эзгу тилаклари акс этган махсус нома ҳамда буюк ислом олими Бурҳониддин Марғинонийнинг машҳур “Ҳидоя” асарининг XIII асрга оид факсимиле нашри тантанали равишда тақдим этилди. Тақдим этилган ушбу ноёб китоб “Ал-Азҳар” мажмуасида қимматли тарихий манба сифатида сақланиши ва ислом ҳуқуқшунослиги ҳамда исломшунослик соҳасида янада кенг тадқиқ этилиши кутилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Миср ислом динининг бағрикенглик, маърифийлик, ва инсонпарварлик тамойилларини тарғиб этиш, шунингдек, диний-маънавий меросни асраб-авайлаш ва илмий асосда ўрганиш йўлида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки давлат ҳам замонавий хавф-хатарларга, хусусан, диний радикализм ва экстремизмга қарши курашишда ҳамкорликни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. вазият нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Хулоса: Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги маданий ҳамкорлик нафақат Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида, балки икки томонлама муносабатлар жараёнида ҳам мустаҳкам институционал асосга эга. Маданият, таълим, илмий тадқиқот, туризм, театр ва халқ дипломатияси орқали рўёбга чиқарилган лойиҳалар нафақат халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлади, балки миллий кадриятларнинг халқаро майдонда тан олинishiга хизмат қилди. Ислом цивилизацияси меросини асраб-авайлаш ва илмий тадқиқ қилиш, диний бағрикенглик ва маърифийликни тарғиб қилишда ҳам Ўзбекистон ва Миср муҳим ҳамкорлар сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Келгусида бу муносабатлар янада кенгайиб, янги ҳамкорлик йўналишлари вужудга келиши учун мустаҳкам асос яратилган.

³⁵ Абдуҳалимов Б. Ўзбекистон — Миср: ўзаро манфаатли илмий алоқалар // Электрон ресурс: <https://yuz.uz/news/ozbekiston--misr-ozaro-manfaatli-ilmiy-alogalar> Мурожаат санаси: 31.05.2025.